

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА ШОИРА АТАБЕКОВНА

**“ДАВЛАТЁРБЕК” ДОСТОННИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ,
ТИПОЛОГИЯСИ ВА ПОЭТИКАСИ”**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Рахимова Шоира Атабековна

“Давлатёрбек” достонининг тарихий асослари, типологияси
ва поэтикаси” 3

Рахимова Шоира Атабековна

Исторические основы, типология и поэтика дастана “Давлатярбек” 25

Rakhimova Shoira Atabekovna

Historical bases, typology and poetics of the epos "Davlatyarbek" 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА ШОИРА АТАБЕКОВНА

**“ДАВЛАТЁРБЕК” ДОСТОНИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ,
ТИПОЛОГИЯСИ ВА ПОЭТИКАСИ”**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil440 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузимбаев Сапарбай,
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алламбергенов Кенесбай,
филология фанлари доктори, профессор

Жўраева Мунис Юнусовна,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5.Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б. Тўхлиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, филол.ф.д., проф.

Л. Худайкулова,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Ш. Турдимов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида бадий тафаккурнинг қадимий қатламига мансуб архетиплар тизимини аниқлаш ва бадий эволюциясини ойдинлаштиришга қаратилган тадқиқотлар кўламида ҳар бир халқ бадий тафаккурининг миллий характери ва ўзига хос тараққиёт тамойилларини белгилашда архаик эпосга хос мифопоэтик образ, эпик сюжет ва мотивларни аниқлаш муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади. Эпосшуносликдаги бахшилар эпик хотирасининг асосини ташкил этувчи архетипларнинг изчил ривожланиши анъанавий сюжетлар тадрижий ривожини таъминловчи асосий восита эканлиги ҳақидаги янги назарий концепция халқ дostonлари сюжетининг фольклор ва ёзма адабиёт ўртасидаги алоқалар тизимида тугган ўрни масаласини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Дунё фольклоршунослигида халқ эпосининг тарихий-генетик асослари ва манбаларини аниқлаш, миллий эпик тафаккурнинг тараққиёт қонуниятларини ойдинлаштириш ва фольклор сюжетларининг ёзма адабиётга диффузияланиши ҳодисасини тадқиқ этиш тамойили кучайиб бормоқда. Натижада архаик эпосга хос эпик сюжетлар миграцияси, жаҳон халқлари эпик анъанасининг ўзаро таъсири ва алоқалари, муайян сюжетларнинг ёзма адабиётдаги стилизацияси, фольклор ва ёзма адабиёт ўртасидаги ўзаро таъсир масалаларини таҳлил қилиш имкониятлари юзага келди.

Ўзбек фольклоршунослигида халқ тарихининг ўзига хос инъикоси ҳисобланган дostonлар ҳамда уларни ижро этувчи бахшилар ижодиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, дostonларда миллатнинг орзу-умиди, ижтимоий иқтисодий ва маънавий ҳаёти, турмуш тажрибалари ўз ифодасини топади. Халқ ҳаётидаги энг долзарб масалалар халқ севган эпик қаҳрамонлар фаолиятида ёрқин гавдаланади. “Дostonчилик ва бахшичилик – миллий ғуруримиз. Унинг замиридаги эзгу қадриятларни халқимизга етказиш лозим”¹. Дарҳақиқат, асрлар бўйи халқимизнинг истеъдодли фарзандлари куйлаб келган эпос намуналари эзгу қадриятларимиз ҳисобланиб, уларни тадқиқ қилиш ва халқимиз онгига етказиш миллатимиз менталитетининг ёрқин қирраларини очиб беради. “Давлатёрбек” дostonи айнан халқ тарихининг ёрқин кўринишларидан бирини акс эттириши билан эътиборга лойиқдир. Бу дoston Хоразмда яратилган энг кўламдор асарлардан бири бўлиб, унда ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, мардлик, инсоф-адолат, диндиёнат, эзгулик, саҳоват каби ноёб фазилатлар тарғиб қилиниши билан муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ушбу дostonнинг Оролбўйи минтақаси халқлари фольклоридаги версияларини қиёсий таҳлил қилиш эпосшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Жумладан, Оролбўйи минтақасида ёнма-ён яшаб келаётган ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари орасида машҳур бўлган “Давлатёрбек” дostonининг шаклланиши ва турли версиялар

¹ Мирзиёев Ш.М. Истиқболли лойиҳалар халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда // Халқ сўзи. – Тошкент, 2018, 23 январь.

ҳолида оммалашини халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт муносабатларидаги адабий-фольклорий таъсир жараёни билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Давлатёрбек” достони ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари орасида кенг тарқалган тарихий эпос намунаси бўлиб, бу асарнинг бир неча миллий версиялари мавжуд бўлишига қарамай, фольклоршуносликда у қадар чуқур тадқиқ этилган эмас. XVIII асрда Хива ва Урганчда яшаб ижод қилган таниқли шоир Қурбонали Маъруфий халқ орасида кенг тарқалган эпик сюжетлардан самарали фойдаланган ҳолда “Давлатёрбек” номли асар яратган бўлиб, у туркман тилида бир неча марта чоп этилган. Жумладан, 1943 йилда Н. Хўжаев бу асарнинг бир неча қисмини бир китобга жамлаб нашрга тайёрлаган бўлса, 1971, 1978 йилларда достоннинг тўла матни нашр этилган.¹

“Давлатёрбек” достонининг қорақалпоқ версияси илк бор 1930 йилда кўнғиротлик Қоражон бахши Қобулов ижросида ёзиб олинган бўлиб, ўтган асрнинг 60-йилларида ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси топилган.² 1969 йилда кўнғиротлик Норбой бахши Кўшекеновдан Қ. Мақсетов ва Ж. Хошнӣёзовлар томонидан ёзиб олинган вариант эса “Амударё журналида босилган.³ 1995 йилда “Давлатёрбек” достонининг Қ. Мақсетов ва Р. Мақсетова нашрга

¹ Бу ҳақда қаранг: Магруппы. Довлетяр: дессандан бөлөклөр / Чапа тайярлан Н. Хожаев. – Ашхабад, ТДН, 1943. – 44 б.; Гурбаната Магруппи. Довлетяр. – Ашхабад, 1971. – 119 с.; Гурбаналы Магруппы. Довлетяр: дессан (нашрга тайёрловчи: Қ.Дурдыев). – Ашгабат: Туркменистан, 1978. – 180 б.

² Қаранг: Очерки по истории каракалпакского фольклора. – Тошкент: Фан, 1977. – С.91.

³ Даўлетярбек: (дастан) // Амударё. – Нукус, 1970. – 7-сон.

тайёрлаган тўла варианты босилган.¹ Кейинчалик Норбой бахши Кўшекеновдан ёзиб олинган ушбу вариант матни “Қорақалпоқ фольклори” 100 томлигининг 19-жилдига киритилди.² Қорақалпоқ фольклоридаги “Давлатёрбек” достони асосан эпосшунос олим Қ. Максетов томонидан ўрганилган бўлиб, у мазкур эпик асарнинг илк сюжет ўзаги кўнғирот ўзбеклари орасида шаклланган, деб ҳисоблайди.³ Шунингдек, А. Тажимуратов, И. Сағитов, Қ. Айимбетовлар асарларида ҳам “Даўлетярбек” достони ҳақидаги айрим қайдлар мавжуд.⁴

“Давлатёрбек” достонининг хоразмлик қиссахон-халфалар эпик репертуаридан жой олган ўзбек версияси хонқалик Сўна халфа Эшчанова бисотида сақланаётган ҳижрий 1254 (милодий 1744) йили кўчирилган кўлёма нусхаси асосида С. Рўзимбоев ҳамда ушбу тадқиқот муаллифи томонидан нашрга тайёрланиб, “Ошиқнома” рукнидаги Хоразм достонларининг 7-китобида чоп этилди.⁵ Ушбу достоннинг ўзига хос хусусиятлари, сюжет қурилиши, мотивлар таркиби ва образлар талқини хусусида С. Рўзимбоевнинг мақолалари мавжуд.⁶

Бинобарин, “Давлатёрбек” достони туркий версияларининг қиёсий-тарихий таҳлилини амалга ошириш асносида унинг сюжет асосларини аниқлаш, етакчи мотивлари генезисини ойдинлаштириш, достон бадиияти ва поэтик тилининг ўзига хослигини монографик асосда махсус тадқиқ этиш заруриятишу билан белгиланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиёти ва фольклоршунослигининг долзарб масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи туркий халқлар орасида кенг оммалашган “Давлатёрбек” достонининг шаклланиш тарихи, сюжет тузилиши ва етакчи мотивлар тизимининг генезисини ойдинлаштириш, унинг қиссахонлар репертуаридан жой олиш тамойилларини аниқлаш, ўзбек, қорақалпоқ ва туркман версияларининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш, достон бадиияти ва лингвопоэтик табиатини очиб беришдан иборатдир.

¹ Даўлетярбек: (дастан) / [Баспаға таярлаганлар Қ.Максетов, Р.Максетова]. – Нокис: Қарақалпақстан, 1995. – 59 б.

² Даўлетярбек: (дастан). Норбой бахши варианты // Қарақалпақ фольклори. 100 томлик. 19-том. – Нокис: Илим, 2010. – Б.293-312.

³ Қаранг: Максетов Қ. Давлатёрбек / Очерки по истории каракалпакского фольклора. – Ташкент: Фан, 1977. – С.90-93; шу муаллиф: Қарақалпақ фольклористикасы. – Нокис: Қарақалпақстан, 1989; шу муаллиф. Дәстанлар, жыраўлар, бақсылар. – Нокис: Қарақалпақстан, 1992.

⁴ Максетов Қ. Тажимуратов А. Қарақалпақ фольклори. – Нокис: Қарақалпақстан, 1979. – Б.300-303; Сағитов И.Т. Қарақалпақ халқының қахарманлық эпосы. – Нокис: Қарақалпақстан, 1986; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нокис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 492.

⁵ “Давлатёрбек” достони (нашрга тайёрловчи) / Ошиқнома. Хоразм достонлари. 7-китоб. – Урганч: Хоразм, 2019. – Б.12-128.

⁶ Рўзимбоев С. Халқ дилидан жой олган достонлар / Ошиқнома. Хоразм достонлари. 7-китоб. – Урганч: Хоразм, 2014. – Б.3-7; шу муаллиф. “Давлатёрбек” достони ҳақида // Тафаккур зиёси. Т.XXX. – Урганч: Хоразм, 2014. – Б. 3-8.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Давлатёрбек” достонининг шаклланиш тарихи ва бадиий эволюциясига хос асосий хусусиятларни ойдинлаштириш;

достон сюжетининг юзага келишида тарихий воқелик ва эпик талқин муносабатини ёритиб бериш;

эпоснинг шаклланиши ва тараққий этишида Оролбўйи эпик анъанасига мансуб қиссахон-бахшилар ижодиётининг ролини кўрсатиш;

достоннинг ўзбек, туркман ва қорақалпоқ версияларини қиёсий-типологик ва қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганиш;

достоннинг мотивлар таркиби, образлар тизими ва бадиий тилини таҳлил қилиш;

достон таркибидаги “ёшнома” характеридаги шеърий парчаларнинг жанрий мансубиятини белгилаш, унинг илк манбалари ва тараққиётини ёритиш.

Тадқиқотнинг объектини «Давлатёрбек» достонининг ўзбек, қорақалпоқ ва туркман фольклорида қайд этилган версиялари, хусусан, чоп этилган намуналари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини тарихий эпоснинг туркий халқлар эпик анъаналарида тутган ўрни, халқ достонларининг тарихий асослари ва тадрижий ривожини, ҳаётий воқеликнинг бахшилар эпик хотирасига таъсири ва Давлатёрбек образининг бадиий талқини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, бадиий-эстетик таҳлил, психологик, услубий ва структурал метод тамойилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Давлатёрбек” достони ўзбек, қорақалпоқ ва туркман версияларининг қиёсий-тарихий тадқиқи асосида мазкур асарнинг дастлабки варианты XVIII асрда Хива хонлиги тасарруфида бўлган Қўнғирот музофотида истиқомат қилувчи болғали уруғига мансуб ўзбек бахшилари томонидан яратилганлиги исботланган;

достон шаклланишида Оролбўйи эпик ареалига мансуб бахшилар репертуаридаги достонларнинг сюжет тизимига хос узвлар, жумладан, “Тўрўғли”, “Юсуф ва Аҳмад” достонига хос мотивлар ҳамда ўрта аср ўғуз эпоси «Китоби дадам Қўркут» муҳим роль ўйнаганлиги аниқланган;

достоннинг ўзига хос бадиий услуби ва сюжет тузилишининг ихчамлиги билан алоҳида ажралиб турадиган қорақалпоқ версиясидаги шеърий парчалар ўғуз эпоси строфикасига алоқадорлиги уларнинг қиссахон-шоирлар ижодига мансублигидан далолат бериши асосланган;

достоннинг Қурбонали Маъруфийга тегишли бўлган туркман версиясидаги оғзаки вариант матнлари бадиий жиҳатдан қайта ишланган намуна эканлиги ойдинлаштирилган;

“Давлатёрбек” достонидаги «таржимаи ҳол» характеридаги шеърий парча таҳлили асосида “ёшнома” жанрининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ҳамда бу жанрнинг илк кўринишлари “Қутадғу билиг”да мавжудлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Давлатёрбек” дostonининг ўзбек, қорақалпоқ версиялари қиёсий таҳлилга тортилиб, ҳар бир миллий версиянинг ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

«Давлатёрбек» дostonи даставвал XVIII асрда қўнғиротлик ўзбек қиссахон-бахшилари томонидан яратилиб, кейинчалик шу ҳудудда ёзувга олиниб китобат қилингандан кейин унинг нусхалари воҳада кенг тарқалганлиги исботланган;

дostonдаги тарихийлик тамойилларининг бадиийлик билан уйғунлашган ҳолда берилиши ва асар ёзма нусхаларидаги бадиий лексиканинг лингвопоэтик хусусиятлари кўрсатиб берилган;

асар таркибида берилган “Ёшнома” жанрининг эпос учун янги ҳодиса эканини ёритиб берилган ҳамда унинг ўзига хос жанр белгилари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўзбек, қорақалпоқ ва туркман қиссахон-бахшилари ҳамда хоразмлик қироатхон халфалар эпик репертуарида муҳим роль ўйнаган “Давлатёрбек” дostonнинг шаклланиш жараёни, асарнинг китобат қилиниши ва қиссахонлик анъанасида тутган ўрни, дoston бадиияти ва лингвопоэтик хусусиятларига доир илмий-назарий қарашлар бевосита дoston версияларининг матнига таянилган ҳолда баён қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “Давлатёрбек” дostonи сюжетининг юзага келиш тарихи, манбалари ҳамда ўзига хос миллий версияларининг бадиий талқинларини ўрганиш асосида чиқарилган назарий умумлашмалар Оролбўйи минтақаси халқлари эпик анъаналарининг генезиси ва тадрижий ривожини босқичларини аниқлашга қаратилган фундаментал тадқиқотларни яратишда муҳим моҳият касб этиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишда йиғилган материаллар ва илмий-назарий хулосалардан олий ўқув юртлари учун “Ўзбек фольклори”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Қорақалпоқ фольклори”, “Қорақалпоқ адабиёти тарихи” фанларидан ўқув дастури, дарслик, ўқув қўлланмаси, маъруза матнларини тайёрлаш ва магистратура босқичида халқ дostonлари бўйича махсус курс ҳамда семинарлар ўтишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Давлатёрбек” дostonининг тарихий асослари, типологияси ва поэтикасини туркий версиялари билан қиёсий тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Давлатёрбек” дostonи билан туркий версияларидаги типологик ўхшашликлар, тарихий-генетик муштаракликлар ва миллий ўзига хосликларни тадқиқ этиш асосида чиқарилган илмий-назарий хулосалардан Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 15 сентябрдаги 17.01/118-сонли маълумотномаси). Натижада “Давлатёрбек”

достони қорақалпоқ версияси образлар тизимининг шаклланиш тарихи ва бадий эволюциясига доир янги назарий хулосалар чиқарилган;

“Давлатёрбек” достони қорақалпоқ версиясининг аниқланиши, нашр этилиши ва илмий ўрганилиши тарихини таҳлил қилиш асосида чиқарилган илмий-назарий хулосалардан Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф-1 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 15 сентябрдаги 17.01/118-сонли маълумотномаси). Натижада “Давлатёрбек” достонининг даслабки варианты Қўнғирот музофотида яшаган болғали уруғига мансуб ўзбек қиссахон-шоирлари тарафидан яратилганлиги ҳақидаги илмий қараш далилланган;

“Давлатёрбек” достонининг тарихий илдизлари “Авесто” мифологияси билан алоқадорлиги тўғрисидаги илмий-назарий хулосалардан халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди қошидаги “Авесто” музейи фаолиятида фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 2020 йил 19 июндаги 01-32-сонли маълумотномаси). Натижада фольклор асарларидан олинган маълумотлар асосида музейга ташриф буюрувчи ёшларга “Авесто”нинг шаклланиши тарихи ва моҳияти ҳақида маълумот берувчи буклетлар тайёрланган;

Хоразм достонларининг ўзига хос бадий хусусиятлари ва унда ўз ифодасини топган миллий қадриятларнинг тарихий асосларига доир илмий-назарий хулосалари, жумладан, “Давлатёрбек” достонида тасвирланган тарихий воқеа, ходисалар, қадимий маросим ва қадриятларнинг воҳа достончилигидаги муштарак талқинлари таҳлили асосида чиқарилган назарий умумлашмалардан Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг “Таълим ва ҳаёт” радиоэшиттириши сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 24 июндаги 918-сонли маълумотномаси). Натижада Хоразм воҳаси халқ достонларида ўз ифодасини топган умуминсоний қадриятлар моҳиятини ҳамда “Давлатёрбек” достонида ҳақидаги маълумотларни кенг кўламда оммалаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8та, жумладан, хорижий журналларда 3та, республика журналларида 5 та мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 160 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилиш даражаси, диссертациянинг илмий тадқиқот ишлари, режалари билан алоқадорлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий ишнинг янгилиги, унинг назарий ва амалий аҳамияти, методологик асослари ва тадқиқ усуллари, объекти ва предмети ҳақида батафсил маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Давлатёрбек”** достонининг **туркий версиялари** номли биринчи боби икки фаслдан иборат. Биринчи фасл **“Ўзбек версиясининг тарихий илдизлари ва эволюцияси”** деб номланган.

Маълумки, эпос қадимиятнинг улкан эҳсони, ўзи яратилган даврнинг умумий дунёқараши, айна пайтда, жонли анъанавий ижод ва ижро шароитларида даврлараро халқ руҳининг объектив ҳолатини ифодалаб, мазмун ва шакл жиҳатидан гоҳ кўтарилиб, гоҳ сиқик тарзда авлодларга етиб келган буюк обидадир.¹ Халқ достонларидаги эпик мотивлар замирида улар шартли ва ноодатий бўлишидан қатъий назар, халқнинг дунёқараши, ахлоқ нормалари, идеали ўз ифодасини топади.² “Давлатёрбек” достони ҳам ўзи яратган халқнинг орзу-умидларини, ҳаёт тарзини ўзида бадиий мужассамлаштирган маънавий меросдир. Унинг замирида тарихий воқеалар аксадо берса-да, бадиий тафаккур ўша реал ходисаларни қайта ишлаб, адабий обидани рўёбга чиқарган.

“Давлатёрбек” достони яқин ўтмишдаги воқеаларни ўз мазмунига камраб олиши билан қадимий эпосдан анча фарқ қилади. Қорақалпоқ олимларининг таъкидлашларига кўра достоннинг пайдо бўлган ҳудуди Қўнғиротдир. Давлатёрбек Оролбўйи ўзбекларининг болғали уруғидан чиққан Эшмурод нойибнинг ўғлидир.³ “Фирдавс ул-икбол” асаридаги маълумотларга қараганда, XVIII асрда Қўнғирот, хусусан Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларда тарихий шахс, Эшмурод нойибнинг ўғли, шоир ва моҳир чавандоз Давлатёрбек фаол иштирок этган.⁴ У билан боғлиқ тарихий воқеалар достоннинг яратилишига турки бўлган.

“Давлатёрбек” достони дастлаб 1943 йилда Ашхабадда чоп этилган бўлиб, достондан айрим парчаларни ўз ичига олган. 1978 йилда эса тўлалигича босилиб чиққан.⁵ Бироқ достон туркман шоири Қурбонали Маъруфий ижодига тегишли асар сифатида эълон қилинган. Қ. Мақсетов достонни бирор бир муаллиф ижодига нисбат беришни қатъиян рад қилади. Унинг фикрича, достон Оролбўйи ўзбеклари эпик анъанасида шаклланган.⁶

“Давлатёрбек” достони композицияси анъанавий эпос тизимида тўла рия қилинган ҳолда шаклланган. Достондаги асосий образ Давлатёрбек

¹ Мирзаев Т. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.9-10.

² Путилов Б.Н. Героический эпос черногорцев. – Л.: Наука, 1982. – С.178.

³ Мақсетов Қ., Тажимуротов А. Қарақалпақ фольклори. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б.301.

⁴ Мунис, Огаҳий. “Фирдавс ул-икбол”. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – Б.65-70.

⁵ Гурбаналы Мағрупы. Дөвлетяр. – Ашгабат: Туркменистан, 1978.

⁶ Мақсетов Қ. Қарақалпақские героические дастаны // Очерки по истории каракалпакского фольклора. – Ташкент: Фан 1977. – С.91-94.

бўлиб, у Гўрўғли, “Юсуф ва Аҳмад”даги Юсуф образларининг синтезлашган тоифасидир. Давлатёрбек жасур жангчи, моҳир чавандоз, шоир ва кўшиқчи. Унинг йигитлари ўз бошчиларидан бизга насиҳат беринг, деб тез-тез мурожаат қилишади. Бу кўринишлар “Гўрўғли” дostonларидаги эпик қаҳрамон қиёфасини такрорлайди. “Гўрўғли”, “Давлатёрбек”, “Юсуф ва Аҳмад” ва бошқа қатор эпик асарларда панднома айтиш анъанаси тасодифий эмас. Бу ҳодиса қадимги туркий эпосдан келаётган эпик қонуниятдир.¹ Бинобарин, қадимги туркий эпосга хос эпик қонуниятлар XIX асргача барқарор яшаб келган. “Гўрўғли” дostonларида эпик отни мактаб мадҳиялар айтиш анъаналари ҳам биз сўз юритаётган дostonда ўз кучини сақлаб қолган.

Анъанавий эпосда ҳар бир эпик қаҳрамоннинг оти ўзи билан бир қаторда тилга олинади. Рустамнинг Рахш, Гўрўғлининг Ғирот, Алпомишнинг Бойчибор номли отлари бўлгани каби Давлатёрбекнинг ҳам Сарқуш деб аталадиган оти бор. У ҳар қадамда отини таърифлаб мадҳиялар айтади. Эпос анъанасига кўра ҳар бир эпик қаҳрамоннинг маъшуқаси бўлиши керак. “Давлатёрбек”да ҳам ушбу анъана давомийлигига эга бўлган.

Жангнома типига мансуб “Юсуф ва Аҳмад” дostonидаги мотивлар “Давлатёрбек”да ҳам ўзини намоён қилиб туради. “Юсуф ва Аҳмад” дostonида Юсуфбекнинг “қизилбошлар” билан урушиб, ҳийла йўли билан асирга тушиши, зиндон посбонининг қизи Қоракўз билан танишуви, охиروقибат Эрон шоирлари билан айтишувда уларни енгиб, озодликка чиқиши каби қатор эпизодлар борки,² ўша лавҳалар сал ўзгаришлар билан биз таҳлил қилаётган дostonда ҳам такрорланади. Юсуфбек ҳам шоир ва кўшиқчи, Давлатёрбек ҳам ўша ҳунарларнинг устаси, ҳар иккала образ ҳам моҳир чавандоз ва жасур жангчи. “Юсуф ва Аҳмад” дostonида Юсуфбек Кўкча шоир билан савол-жавоб қилиб ғалабага эришади, “Давлатёрбек”да бош қаҳрамон Эрон шоҳининг Исо ва Мусо исмли икки шоири билан мусобақа қилиб уларни енгиб чиқади. Иккала айтишувда ҳам эроний шоирлар “қарғиш” сифат шеърларни баён қилгани учун шоҳ томонидан жазоланади.

Қаҳрамонлик эпосларида эпик қаҳрамоннинг сўнгги ҳаёти ҳақида сўз юритилганда албатта унинг яқин йўлдоши эпик от хусусида ҳам маълумот бериб ўтилади. “Давлатёрбек” дostonи ниҳоясида яна оқ тўн, оқ салла, оқ от минган бир киши унинг ёнида пайдо бўлади ва биргаликда кўздан ғойиб бўлишади. Эпик қаҳрамонга ҳомийлик қилувчи оқ от минган персонаж анъанавий Хизр образини эсга солади.

Эпос таракқиёти билан боғлиқ ҳолда бу образлар эволюцияни бошдан кечириб, эпик қаҳрамоннинг ўғли, баъзан тутинган ўғли, дўсти образларига кўчган. “Давлатёрбек” дostonида ҳам қадимий эпосга хос мазкур анъана ўз давомийлигига эга бўлган. Давлатёрбекнинг сафдоши, шогирди сифатида асарда Саидмусо образи саҳнага чиқади. Эпик қаҳрамоннинг яқин сафдоши, шогирди образи бошқа туркий халқлар эпосида ҳам мавжуд.³ Дoston XVIII

¹ Короглы Х. Художественные каноны и видоизменение эпоса // Фольклор. Проблемы историзма. – М.: Наука, 1988. – С.112.

² Ошиқнома. 3-китоб. – Урганч: Хоразм, 2008. – Б.10-186.

³ Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука. 1974. – С.60-61.

асрнинг охирларида шакллана бошлаган бўлиб, унинг кўлёзма нусхалари XIX асрда юзага келган. Демак, достоннинг тўла шаклланиб, қиссахонлар репертуарига ўтиши XIX асрнинг I ярмига тўғри келади. Кейинчалик ушбу кўлёзма нусхалар асосида бахшиларнинг оғзаки репертуаридан жой олган.

Бобнинг иккинчи фасли **“Давлатёрбек” достони сюжети**нинг **қорақалпоқ ва туркман версияларидаги талқини**” деб номланган.

“Давлатёрбек” достонининг ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот тумани ҳудудида пайдо бўлганлиги фанда тан олинган. Достон матни дастлаб ўша ҳудудда 1930 йилда Қоражон бахши Қобуловдан С. Мавленов ва Ш. Хўжаниёзовлар томонидан ёзиб олинган. Достоннинг 1969 йилда кўнғиротлик Норбой бахши Кўшекеновдан Қ. Мақсетов ва Ж. Хошниёзовлар томонидан ёзиб олинган варианты “Амударё журналида чоп этилган.¹ 1995 йилда бу достон “Қорақалпоқ фольклори” кўп томлигига киритилган.² Достон ҳақида тадқиқот олиб борган Қ. Мақсетовнинг фикрича, асар Кўнғирот минтақасида шаклланган бўлиб, унинг яратувчиси Давлатёрбекнинг ўзидир.³ Достоннинг қорақалпоқ версиясида “дарвеш” номи билан тилга олинган Хизрни эслатувчи образ баъзан воқеаларга аралашиб кетади. С. Рўзимбоев Хоразм достонларидаги ҳомий-персонажларнинг қадимийилдизлари “Авесто”га боғланади, деб ҳисоблайди.⁴ Қорақалпоқ версиясидаги дарвеш образининг генезиси ҳам шу манбага бориб тақалади.

Ўзбек ва қорақалпоқ версияларидаги шеърлар услуб жиҳатидан бири-бирига жуда яқин келади. Бу услубий ўхшашлик тасодифий бўлмасдан ҳар иккала достон ҳам Хоразм достончилиги анъаналарининг умумийлик хусусиятидан келиб чиққан. “Давлатёрбек” достонининг ушбу версиясида турналар орқали хабар бериш, туш кўриш мотивлари ҳам таъсирчан берилган. У туш кўришдан олдин азиз-авлиёларга муножот ўқийди. Шундан кейин тушида унинг зиндондан чиқишини башорат қилишади.

“Давлатёрбек” достонининг зиндон билан боғлиқ эпизодидаги битта лавҳа ўзбек ва туркман версияларида кўзга ташланмайди. Зиндонбоннинг қизи Давлатёрбекка озиқ-овқат олиб келгандан кейин, унинг шоирлигини сезиб қолади ва унинг ҳузурига бир гуруҳ қизларни олиб келади. Улар ўзлари билан совғалар олиб қилишади ва унга шеърий мурожаат қилишади. Давлатёрбек қизларнинг таклифларини рад қилади ва йигитлик ғурурини сақлайди. Бу ҳолат образнинг софдилик қиёфасини бўртдириб кўрсатади. Бу версияда Давлатёрбекнинг ўз элини таърифлаб баён қилган мадҳияси анча кўламдор бўлиб, ўзбек ва туркман версияларида 8 банд бўлгани ҳолда бу достон 23 бандни ташкил этади. Мақтовларда ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудидаги маконлар кўпроқ тилга олинади. Ўзбек версиясидаги мадҳияда қайд қилинган Урганч, Хива каби шаҳарлар тушириб қолдирилган. Аммо

¹ Очерки по истории каракалпакского фольклора. – Ташкент: Фан, 1977. – С.91.

² “Даулетярбек” // Каракалпак фольклоры. 100 томлык. 19-том.– Нөкис: Илим, 2010. – Б.293-312.

³ Мақсетов Қ. “Даулетярбек” / Очерки по истории каракалпакского фольклора. – Ташкент: Фан, 1977. – С.91-94.

⁴ Рўзимбоев С. Эпос ҳақида қайдлар // Тафаккур зиёси. Т. XIX. –Урганч, 2009. – Б.3-6.

мадҳиянинг айрим бандлари ўзбек версияси билан ўхшашлик касб этади:

Ўзбек версиясида:

Шарқ айласам, шоҳим, бизнинг диёри,
Кўр, қандай таажжуб эллари бордур.
Булбулни маст этур, боғи-чор боғи,
Фирдавс райҳонли гуллари бордур (“Ошиқнома”. 7-китоб. – Б.107).

Қорақалпоқ версиясида:

Тэрийп етсем, ханым, бизиң мэканды,
Көзиң көрсе эжеп еллерим бардур.
Булбил мэскан етер бағы-бақшасын,

Пардус, райхан атлы гуллерим бардур (“Қарақалпақ фольклоры”. 19-том. – Б.308).

Достоннинг финал қисми кетма-кет шеърӣй монологлардан иборат. Яқунловчи шеър эпик қаҳрамоннинг саргузаштлари баёни билан асарни ниҳоялайди. Мазкур версияда асар бош қаҳрамони ўз элига қовушиб, достон оптимистик руҳ билан тугайди.

XIX асрга келиб Хоразм воҳасида қиссахонлик анъанаси гуллаб-яшнаган. Қиссаларнинг деярлик барчаси саводхон котиблар, бахшилар, шоирлар томонидан ёзувга кўчирилган достонлардир. “Қиссахонлар аудиторияси унчалик катта бўлмаса-да, қисса тинглашга бахшилар ҳам келишган. Саводсиз бахшилар қисса матнларини ёдлаб, уларни қайта ишлаб кенг аудиторияга ёйганлар”¹. Туркман шоирлари достонларни қайта ишлаб ёзувга олишда пешқадам бўлишган. “Давлатёрбек” достонининг туркманлар орасида тарқалиши ҳам қиссачилик анъанаси доирасида рўй берган.

Туркман адабиётшуноси Қ. Дурдиевнинг аниқлашича, достон Қурбонали Маъруфий томонидан ёзилган бўлса-да, унинг асл қўлёзма нусхаси топилмаган. Достоннинг Манғишлоқ ва Ставропол нусхалари ҳам мавжуд. Аммо бу нусхаларнинг барчаси асар сюжетини ўз ичига тўла қамраб олмайди. Тадқиқотчининг таъкидлашича, энг мукамал вариант Ёлли туюқ бахшига тегишлидир. Ёлли бахши достонни Омон бахшидан ўрганган, Омон бахшининг достонни кимдан ўрганганлиги номаълум бўлиб, фольклоршуноснинг тахминича, у бирор қўлёзма нусхадан ўрганган.²

Достоннинг муқаддимасида Давлатёрбекнинг қувғин қилиниши сабаби берилмай, унинг иккинчи қайтиб келишида Мискин меҳтарни ўлдирганлиги айтиб ўтилади. Ўша воқеа айтилгандан кейин хоннинг Мискин меҳтар учун қасос олиш баҳонасида, Давлатёрбекнинг акасини қатл қилдирганлиги маълум бўлади. Мискин меҳтар тарихий шахс бўлиб, “Фирдавс ул-иқбол” асарида тилга олиб ўтилади. Достонда Давлатёрбекнинг вафоти хусусида маълумот берилмайди. Бу версияда тарихий шахслар ва воқеалар талқини устуворлик касб этади. Қорақалпоқ версиясида ушбу тарихий воқеалар хусусида сўз юритилмай, хон билан Давлатёрбек ўртасидаги зиддият Сарқуш от билан алоқалантирилган. Шу жиҳатдан олганда туркман версиясида

¹ Карриев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. – М.: Вост. Лит, 1968. – С.128.

² Дурдыев К. Магруппы ве онун “Дөвлетяр” дессаны // Дөвлетяр. – Ашгабат: Туркменистан, 1978. – С.3-27.

тарихийлик анча бўртиб кўринади.

Туркман версиясининг композицион тузилиши ўзбек версиясига ўхшаш, ҳатто топоним, антропонимлар ҳам бир-бирига тўғри келади. Бироқ бу икки асарни бир хил эканлигини аниқламайди. Ўзбекча матн бутунлай қайта ишланганлиги шеърини парчаларда яққол кўринади. Хоразмда кўлёмани кўчирган котиб, матн таркибига ижодий ёндашган, шеърини парчаларни янгилаган, баъзиларини тушириб қолдирган, мисралардаги ғализликларни сайқаллаштирган. Туркман версиясининг 44-саҳифасида Оллоёрхоннинг Гулчаман кизига бағишланган марсияси берилган бўлиб, у 6 бандни ташкил этади. Ўзбекча матнда марсия 7 банддан иборат. Марсиянинг 5-банди қуйидагича:

Қиёматдур, охир замон,
Кун тутилиб, бўлди думон.

Ўлармен волло бегумон,

Жоним, ҳаётим, қизгинам. (“Ошиқнома”, 7-китоб, 23-бет).

Мазкур банд туркманча матнда йўқ. Услуб бир хил, туркман лаҳжасига алоқадор “волло” сўзи ҳам ишлатилганлигини ҳисобга олсак, ушбу банд аввалги кўлёмалар таркибида бўлганлиги ҳақиқатга яқин келади.

“Давлатёрбек” достонининг уч версиясида ҳам матнда ёзма адабиётга хос хусусиятларнинг рўёбга чиққанини сезиш мумкин. Ҳатто бу ҳолат достон шеърисига мухаммас жанрининг кириб келишида ҳам намоён бўлади. Достондаги ўзаро фарқлар фақат шеърини парчалардагина эмас, балки насрда ҳам, мотивларда ҳам мавжуд.

Диссертациянинг иккинчи боби “Достондаги “Ёшнома” жанри, унинг илк манбалари ва эпосдаги тараққиёти” деб номланиб, унинг биринчи фаслида “Ёшнома” жанрининг илк манбалари ва унинг ёзма адабиётга ўтиши” масаласи ҳусусида сўз юритилади.

Туркий халқлар фольклорида инсоннинг туғилиши, ҳаётининг ҳар бир йили ёки маълум ёшига хос хусусиятларни тасвирловчи асарлар мавжуд бўлиб, туркларда “ёшнома”, озарбайжонларда “вужуднома”, туркманларда “ҳилқатнома” жанрига киритилади. Ўзбекистоннинг Хоразмдан бошқа минтақаларида тарқалган кўшиқ ва достонларда бундай тоифадаги асарлар жуда кам. Шу сабабли инсоннинг ёш хусусиятлари ва ҳаёти билан боғлиқ бундай шеърлар ўзбек фольклоршунослигида жанр сифатида тан олинмаган. Эргаш шоир, Фозил шоир, Ислом шоир каби бахши шоирлар ижодидаги биографик шеърлар “автобиографик термалар” сирасига киритилган.¹ Т. Мирзаев ҳам бу асарни автобиографик асар сифатида баҳолайди.²

“Гўрўғли” эпосида эпик қаҳрамоннинг ёш хусусиятлари тавсифи баён этилган бўлса, “Давлатёрбек” тарихий достонида “ёшнома” жанрининг мукамал намунаси мавжуд. “Ёшнома”лар турк, озарбайжон, туркман, қозоқ, қирғиз, уйғур, бошқирд, татар, қорақалпоқ ёзма адабиётида ҳам кенг оммалашган жанрдир. Ўзбек ёзма адабиётида эса ушбу жанрнинг янада

¹ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.338.

² Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008. – С.18.

қадимийроқ намуналари учрайди. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг “Китобга ном берилиши ва ўз қарилигини айтади” бўлимида шоир инсоннинг ёш хусусиятларига тўхталиб ўтади:

Кимүң қыркда кэчсэ тириглик йылы,
Эсэнләшти эркэ йигитлик йылы.
Тэгирди мэнэ элги эллик йашым,
Қуғу қылди қузғун туси-тэг башым.
Кимүңаышы алтмыш түгэтсэ сақыш,
Татығ барды андын йайы болды қыш.¹

“Ёшнома” жанрининг айрим кирралари Аҳмад Яссавий, Махтумқули, Муллонафас ижодида ҳам кўзга ташланади. Қорақалпоқ адабиётида ҳам “ёшнома” ёзиш анъанага айланган. Хусусан, Бердақ ижодида иккита катта ҳажмдаги шеър “ёшнома” шаклида битилган асар мавжуд. Биринчиси “Өмирим” номли 66 бандли шеър бўлиб, мураббаъ тарзидаги тўртликлардан ташкил топган. Иккинчиси “Васфим менинг” номи билан аталган 17 бандлик шеър бўлиб, унда шоирнинг таржимаи ҳоли баён этилган. Шунингдек, Аяпберген Муса улыва Кунхожа ижодида ҳам “Кунлерим” шеъри бўлган.² Қ. Мақсетовнинг таъкидлашича, Бердақнинг қизи Хурлимон бахши-шоир бўлган. У отаси ёзган кўшиқларни куйлаш билан бирга “Давлатёрбек” достонини ҳам халқ орасида куйлаб машҳурлик қозонган.³ Мана шу омиллар “Давлатёрбек” достонидаги мукамал “ёшнома”ларнинг пайдо бўлишига замин яратган, деб ҳисоблаймиз

“Ёшнома” шаклидаги шеърлар Хоразм достонларида унчалик кўп эмас. Чунки бу минтақада тарқалган достонларнинг аксарияти романик-ишқий саргузашт характеридадир. “Ёшнома”лар эса бирор таниқли шахс ёки фаолияти қаҳрамонликка дахлдор бўлган эпик образлар билан боғланади. Бундай образлардан бири Гўрўғли бўлиб, унинг ҳаёти билан боғлиқ “Ёшнома”лар халқ орасида машҳурлик қозонган. “Давлатёрбек” достони тарихий-қаҳрамонлик характерида эга бўлиб, унинг таркибидан 17 банддан иборат “ёшнома” ўрин эгаллаган. Унинг ҳажми ва характер-хусусияти “Гўрўғли” достонидаги “Ёшнома”дан муайян даражада фарқ қилади. Достоннинг туркман версиясидаги 13 бандлик “ёшнома” ўзбек версиясидаги муқобилига анча ўхшашлик касб этади.

“Ёшнома”ларда инсон ҳаёти саҳифалари тасвирланар экан, айрим саналар барча манбаларда бир хиллик касб этади. Бу асосан 7 ва 14 ёшларга ёндашишда кўринади. “Давлатёрбек”да 7 ёш шундай берилади:

Етти ёшда мактабхона,
Кезар гўё бир парвона,
Китоб ўқиб қона-қона,
Бир ажойиб сона етди.

Энди 14 ёш масаласига келсак, бу ёш аксарият шоирларда ва фольклорда

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Ташкент: Фан, 1972. – Б.114.

² Қарақалпақ совет адабиёти тарыхыгның очерклери. – Ташкент-Самарканд: Фан, 1968. – Б.42; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б.168.

³ Мақсетов Қ. Дәстанлар, жыраўлар, баксылар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б.303.

“ишқ савдоси” билан алоқага киришади. Масалан, “Давлатёрбек” достонида ҳам 14 ишқ ёши тарзида берилган. “Гўрўғли” эпосидаги Гўрўғли “ишқ савдо”сини 14 ёш деб белгилашади. 14 ёш “Авесто” даврида балоғат ёши сифатида белгиланган.¹ Шу нуқтаи назардан қараганда аждодларимиз қадимий обидадаги анъанани узоқ асрлар давом эттириб келишган.

“Ёшнома”ларда алоҳида эътиборни тортадиган саналар 40, 50, 60 ёшлар билан боғлиқ лавҳалардир. Бу ёшларга хос хусусиятлар ҳам барча ижодкорлар назарида умумийлик касб этади. Аксарият шоирларда 40 ёш камолот нуқтаси ҳисобланади. “Ёшнома”ларда 40 ёш ҳамиша тўлақонли, етук босқич сифатида қайд этилади. Ушбу жанр билан боғлиқ барча шеърларда бошқа ёшларга алоқадор рақамлар баъзан тушириб қолдирилса ҳам 40 ёш албатта тилга олинади. Бу рақам мифик характерга эга магик сон сифатида оммалашган.²

“Ёшнома”ларга разм солинса битта нарса киши эътиборини тортади. “Ёш босқичлари табиий равишда “учликлар”дан ташкил топгандай таассурот туғилади. Буни уч ёшдан бошлайдиган бўлсак, бола бу ёшда тил чиқаради, сўзлаб мулоқотга киришади. Олти ёшда “хат-савод”га тайёр бўлади. Тўққиз ёшда хат-саводни эгаллаб мутолаа ёшига етади. Ўн икки ёш эса бир мучал саналади. Ўн беш ёшда “ишқ савдоси” бошланади, ҳаётга аралашади. Ўн саккизда тўла вояга етади, фарзанд кўриш тараддудида бўлади. Йигирма бир ёшда обрў-эътибор топади. Йигирма тўрт ёшда икки мучал тўлади. Йигирма етти ёшда қайнаб-тошадиган йигитлик фасли бошланади. Ўттиз ёшда кучқудрат эгаси бўлади. “Учлик”ларни умумлаштирадиган бўлсак, 60 ёш бешинчи мучал “бел букилади”, 72 ёш олтинчи мучал “тиш тўкилади”, 84 еттинчи мучал, инсон минг ой умр кўради. 96 ёш эса тўққизинчи мучал бўлиб, боқийлик сари йўл олинади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Жанрнинг эпосдаги тараққиёти ва унинг “Давлатёрбек” достонида тутган ўрни”** деб номланади.

Хоразм дostonларида яратилган “Ёшнома”ларга разм солинса, улар икки тоифага бўлинади. Биринчисида ёш билан боғлиқ тафсилотлар айтувчининг ўз тилидан баён қилинади. Бунга “Гўрўғли” эпосидаги “Ёшнома” мисол бўла олади. “Давлатёрбек” достонида эса барча тафсилотлар бахши тилидан ҳикоя қилинади. Хоразм дostonларидаги “ёшнома”лар автобиографик ва биографик турларга бўлинади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам анъанавий андозага бўйсунди, юқори ёш юзда ниҳояланади. Биз юқорида таъкидлаб ўтган айрим саналар уларнинг барчасида ҳам анъанавий хулосалардан иборат. Инсон ёши юзга етиши ёки етишмаслигидан қатъий назар ҳар бир ёш босқичида умумийлик хусусиятлари яққол кўриниб туради. “Давлатёрбек” достонидаги “ёшнома” мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Одатда аксарият “Ёшнома”ларда муқаддима 9 ой, 9 кун, 9 дақиқадан сўнг дунёга келишни ҳикоя қилишдан бошланади. Бу ерда ҳам анъанавий “учлик”ларнинг учланиш хусусияти мавжуд. Хоразм “Гўрўғли”сида 9 ой тилга олинади. “Давлатёрбек” достонида муқаддима умумий тарзда

¹ Ҳомидов Ҳ. “Авесто” файзлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б.58. (96)

² Жураев М. Магические числа в узбекских народных сказках. Автореферат канд. дисс. филол. наук. – Т.: 1987. – С.15

бошланади:

Аввалда йўқдин бор бўлиб,
Одам жисми жона етди.
Қатрадан вужудга келиб,
Бу фоний жаҳона етди.

“Давлатёрбек” достонидаги мисраларда “йўқдан бор бўлиш”, “қатрадан вужудга келиш” каби иборалар она қорнидаги ҳаётни гавдалантиради. “Ёшнома” бир ёшдан бошлаб бош қаҳрамоннинг ҳаётини саҳифаларини ёрита бошлайди.

От эпик қаҳрамоннинг доимий йўлдошидир. Давлатёрбек ҳам от билан биргаликда куч-қудратга эгадир:

Ўн саккизда отлар миниб,
Жисмига куч-қудрат эниб,
Ўн тўққизда ўқдай суниб,
Қўли тир-камона етди.

“Тир-камон” ўқ ва ёй ҳамда отнинг биргаликда тилга олиниши эпик қаҳрамон образининг тўлақонли ифодаланишини таъминлайди.

“Давлатёрбек” достонидаги “Ёшнома”ни “Тўрўғли” эпосидаги “Ёшнома”га солиштирганда шу нарса кўзга ташланадики, Давлатёрбек тавсифи Тўрўғлиникига қараганда батафсил ва мукамалдир. “Давлатёрбек”да 45-50 ёшда қарилик нишонаси юз бериши таъкидланади. Эллик беш ёш катхудолик, белгили дастурхонга эга бўлиш нишонаси сифатида берилади. Халқ наздида “супра очиш”, “давлатга эга бўлиш”, “сона кириш” каби иборалар катхудолик тушунчасини рўёбга чиқаради.

Достоннинг туркман версиясидаги “ёшнома”да 80 ва 90 ёшларга бир бандда баҳо берилган. Ўзбек вариантыда 80 ёш ҳаловатсиз”, “гумон”, 90 ёш эса “зиндон” тарзида белгиланиб маъно доираси анча кенг миқёсда берилади. Охирги, яқунловчи банд бир-биридан жиддий фарқланади:

Дөвлетяр дийр, диле гелди,
Өмур, өлум биле гелди,
Йүз яшанлар белли-белли,
Бу сөзум тамама етди.¹

Ҳар иккала “ёшнома”нинг кўпгина бандларида ўхшаш мисралар жуда кўп. Аммо ўзбекча матн кенг доирада қайта ишланган бўлиб, батафсиллик бўртиб кўринади, бадий нутқ анча юксаклик касб этади.

“Давлатёрбек” достонининг қорақалпоқ версияси таркибидаги “Ёшнома” жанри ҳам алоҳида эътиборни тортади. Мазкур версияда шеър асар охирида эмас, балки ўртасида воқеалар ривожига жараёнида берилади. Бу версияда ҳам у Давлатёрбек тилидан баён этилади. Шеърнинг ҳажми 12 банддан иборат бўлиб, мураббаъ шаклидаги тўртликлардан ташкил топган. Мазкур шеърда боланинг бир ёшга тўлиб, тиши чиқиши ибтидо тарзида белгиланган:

Адам уғлы тиш чықарар,
Әўелха бир яша жетсе,
Танып ол ата-анасын,

¹ Гурбаналы Магруппы. Дөвлетяр. – Ашгабат: Туркменистан, 1978. – Б.173.

Ат қойып, көз-қаша жетсе.

Шеърда боланинг ҳар бир ёши рамзий ишоралар орқали самимий мисраларда баён этилади.

“Ёшнома” матнидаги кўпгина иборалар, бирикмалар, ифодалар анъанавийлик доирасида ўзбек ва туркман версияларидаги муқобилларига уйқаш келади. Учала версиядаги “Ёшнома”ларни қиёслаганда ўзбек версияси кўлами, ёш босқичларининг кенг доирада берилиши, батафсиллиги билан бошқа муқобилларидан устуворлик касб этади. Аслида ҳар учала версиядаги “Ёшнома”лар ҳам сюжет жиҳатидан ўзаро алоқадор бўлиб, Давлатёрбек тилидан баён қилинган. Бу ҳолат ҳам тасодифий бўлмасдан анъанавийлик доирасидаги ижод маҳсулидир. Эпосдаги “Ёшнома” фалсафий хусусиятга эга бўлгани учун фақат бош эпик қаҳрамон томонидан айтилади. “Гўрўғли” эпосида ҳам ушбу анъана ўзини намоён қилиб туради. Бироқ, “Давлатёрбек”да лирик қаҳрамон учинчи шахсга тегишли.

Элмира Фикрат қизининг аниқлашича, турк олими Дўған Қоя “Ёшнома”ларни қуйидагича тасниф қилган: а) Умуман инсонлар ҳаёти ҳақида баҳс этувчи ёшномалар; б) аёл-қизлар ҳаёти билан алоқадор ёшномалар; в) шоирларнинг ўз аҳволотини ифодаловчи ёшномалар; г) социал-танкидий мавзудаги ёшномалар; д) инонч-эътиқодлар билан боғлиқ ёшномалар.¹ Демак, “Ёшнома”ларнинг бу тури туркий халқлар ижодида қадимдан бери яшаб келган бўлиб, “Давлатёрбек” достонида ўша анъана давом қилган. Бинобарин, достоннинг ўзбек ва туркман версияларида берилган ушбу шеър ҳар жиҳатдан оригинал бўлиб, достон воқеалари силсиласида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бинобарин, достон таркибидаги мазкур жанр унинг шакли ва мазмунида ўзига хос ўрин эгаллайди. Эпик қаҳрамон биографиясини гавдалантиришда муҳим бадиий-эстетик восита ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Достоннинг тили ва бадиий хусусиятлари**” деб аталган бўлиб, унинг илк фасли “**Достоннинг лингвопоэтик таҳлили**” деб номланган.

Маълумки, қисса-достонларда “...асосий ўринни адабий-бадиий нутқ услуби эгаллайди. Унинг бош хусусияти образлиқдир”.² “Образлиқ эса бадиий нутққа экспрессивлик, кўркамлик, бўёқдорлик ва ва кўрсатмалилик бағишлайди.”³ Матндаги образли ифодалар тилнинг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик ресурслари орқали рўёбга чиқади. “Давлатёрбек” достонининг бадиий-эстетик қимматини ҳам унинг лексик бойлиги ва ижрочилар (бахши ва қиссахонлар) маҳорати белгилайди.

“Давлатёрбек” достонида маънодошлиқ хусусияти бошқа сўзларнинг қўлланишида ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Масалан, “дунё” сўзининг тўртта, “ҳижрон” сўзининг бешта шакли ишлатилган: “**Дунё** турсин, дўстлар турсин” (13-бет); “**Етди айролиқ** айёми...” (12-бет); “Давлатёрға қўйдинг доғи-**фироғи**” (25-бет); “Рақиблар бизларни **жудо** айласа” (38-бет); “**Фурқати**, ҳижрон манго буюрди” (41-бет). “Дунё” сўзи доирасида жаҳон сўзи форсий

¹ Elmira Fikrät qizi. Türk xalqlari әdәbiyyatında vücvdnamalar. 1 cild. – BakI: Elm və təhsil, 2015. – S.20.

